# АЁЛЛАР УЧУН ЖИНОЯТЧИЛИККА КАРШИ КУРАШ: ХИМОЯЛАНИШНИНГ ЭНГ СУНГГИ ЙУЛЛАРИ




**Abstract:**

Саида Мирзийойева оиладаги зуравонликни жиноят деб бахолашни таклиф килди. »Оиладаги зуравонлик—оиланинг ички иши емас,бу муаммо бутун жамиятга тегишли.Айол уз дарди билан йолгиз колиб кетмаслиги керак»,–деди у. У воягa йетмаганлар билан жинсий алока килганлик учун жазо кучайиши зарурлигини айтди.

**Key words:**

жиноятчилик, зуравонлик, карши кураш, чора-тадбирлар, аёллар, хукук-эркинликлар, конун, гендер тенглик.

**Author of the article:**

**Азимова Нигора Фаррухжон кизи**

**Workspace (Education subject)**

**Тошкент шахар ,Чилонзор туман 184-мактаб 11-синф укувчиси**

---

Айни пайтда бундай жиноятлар сони ортиб бормокда.Бу ачинарли хол.Узбекистон Республикасида истикомат килувчи хар бир аёлга нисбатан рухий, жисмоний, жинсий ва бошка куринишда амалга оширилаётган жиноятлар. Бу каби жиноятлар, асосан эркаклар томонидан аёларга нисбатан амалга оширилган зуравонлик холатлари, жумладан, калтаклаш, психологик зуравонлик, оилавий зурлаш, котиллик, жинсий тажовуз ва та'киблар, шунингдек, зурлаш, зуравонлик билан жинсий алокада болиш, исталмаган жинсий алокалар, болаларга нисбатан жинсий зурлаш, мажбурий никох, куча безорилиги, такиб килиш каби тазйиклар та'сирида хотин кизлар хукукларининг поймол килиниши оркали намоён булади.
UNICEFнинг Коммуникатсия ва жамоатчиллик алокалари булими томонидан утказилган айолларга нисбатан зуравонлик муаммосига этибор бериш хамда хотин-кизларнинг зуравонлик курбонига айланишнинг сабаблари тугрисида ва Узбекистон йошлари ушбу холатга кандай муносабатда еканлигини синовдан утказишди. Ушбу суровномада бутун республика буйлаб 8900 дан ортик респондент иштирок етган. Уларнинг 37% аёллар булган. Шунингдек, 2021-йилда Узбекистон Республикаси Парламенти—Олий Мажлис Инсон хукуклари буйича вакили хисобланган омбудсман матбуот хизматига эълон килган хисоботда аёлларга нисбатан зуравонлик холатлари курсаткичлари республикада йилдан йилга ошиб бораётганлиги таъкидланган.
Хисоботда шундай дейилади:

2021-йилнинг 15-апрелига кадар Омбудсман номига хотин кизлар томонидан 20 га якин жинсий ва жисмоний зуравонлик,рухий тазйик утказиш билан боглик холатлар буйича мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг аксарияти Сурхандарё ва Кашкадарё вилоятларига тугри келади. Уларга нисбатан зуравонлик акс етган ракамлар аслида бунданда куп булиши мумкин. Бунга сабаб узбек аёлларининг андиша килиб куп холларда зуравонликка куз юмишидир. Узбекистон Республикаси Гендер тенглигини таъминлаш масалалари буйича комиссияси бошчилигида хамда ВМТнинг Ахолишунослик жамгармаси (UNFPA)кумагида Реабилитатция ва мослаштириш республика маркази томон дан ахоли уртасида махсус онлайн-аноним суровнома утказилганидир. Утказилган суровномада овоз берган респондентларнинг 42% айоллар узлари ва фарзандларини бока олмаслигидан куркиб зуравонликка чидашларини, шунингдек 38%

айоллар бошкалар томонидан мухокама (гап-суз)булишдан куркиб зуравонликка куз юмишлари каби сабабларини келтиришган. Узбекистон хукумати ВМТ элон килган »Хотин-кизлар камситилишининг барча шаклларига бархам бериш тугрисида конвенсия» —CEDAW(1979—1981) хужжатини 1995-йил 18-август санасида ратификатсия килган.Утган шунча вакт давомида аёллар хукукларини топташ холатлари тез-тез учраб турмокда, 2021-йилнинг январ-апрел ойлари оралигида ички ишлар органларига айолларга нисбатан зуравонлик ва тазйик утказиш холатлари буйича умумхисобда 11 070 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 2 772 таси 18—30 йош оралигида булган,93 таси эса вояга йетмаган шахслар томонидан келиб тушган. Зуравонлик холатларининг энг катта кисми—9 973 таси оиладаги зуравонлик холатларига тугри келади.Мурожаат килган хотин-кизларнинг 5 209 нафари рухий,3 813 нафари жисмоний,166 нафари иктисодий,44 нафари жинсий зуравонлик,шунингдек 1 838 нафари зулм ва тазйик утказишларга учраганини айтиб утишган. Ацолларга нисбатан зуравонлик жинояти турли хил курин шларда намоён булади. Жумладан, оилада, жисмоний, рухий, жинсий зуравонлик хамда тахкирлаш ва тазйик утказиш каби жиноятлар тез-тез учраб туради.

Узбекистонда 2021-йилнинг биринчи ярмида Давомида карийб 18 минг нафар айол тазйикка Учрагани аникланган.Улардан 9 минг нафари рухий зуравонлик курбони булган. Ушбу курсаткич 2020-йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 баравар, ёки 5 минг нафарга куп микдорни курсатмокда. Ушбу масала юзасидан Узбекистон Республикаси хотин-кизлар жамоатчилик Кенгаши хамда Гендер тенглиги масалалари буйича комиссиянинг кенгайтирилган йигилишида Сенат раиси Танзилла Норбаева алохида та'кидлаб утган.

- Республикада аёлларга нисбатан зуравонликни олдини олиш максадида 2019-йилнинг 2-сентябрида амал килиш муддатини бошлаган УРК-561-сонли «Хотин-кизларни тазйик ва Зуравонликдан химоя килиш» тугрисидаги Узбекистон Республикасининг Конуни расман элон килинган 2021-йилнинг 19-санасида Узбекистон Республикаси Президентининг ПК-5116-сонли карорига биноан Махалла ва оилани куллаб-кувватлаш вазирлиги кошида»Айолларни реабилитатция килиш ва мослаштириш республика маркази»ва унинг худудий болимлари ташкил етилди.

Уз таркибига куйидагича вазифаларни камраб олади: Зуравонликдан жабр курган,уз жонига суикасд килган йоки уз жонига касд килишга мойиллиги болган хотин- кизларга аноним тарзда шошилинч тиббий,психологик,ижтимоий,педагогик,хукукий ва шу каби ёрдам лар курсатиш;

Огир ижтимоий ахволда болган, жумладан оилавий муамолар ва турмушида зурлик курбони болган айоллар хукукларининг кафолатланишига кумак бериш;

Хукумат органлар ва фукаролик жамиятлари аёлларнинг уз жонига суикасд килиш холатларини урганиш ва бундай холатларнинг олдини олиш, шунингдек, уз жонига суикасд килган хотин-кизларни нормал тарздаги хайотга кайтишларига кумаклашиш;

«Аёллар дафтарига» киртилган психологик ва хукукий маслахатга мухтож айолларнт хар томонлама куллаб-кувватлаш ва уларни «Аёллар дафтари» дан чикариш чораларини куриш. Ушбу марказ хизматларидан фойдаланиш учун махсус 1146 ишонч киска раками узлуксиз фаолият юритади.

Хулоса урнида шуни айтиш жоизки, аёлларни хукуклари конун ва давлат химоясидадир. Уларнинг эркинликлари ва хукукларини тортиб олишга хеч кимнинг хакки йук. Аёлларга қарши зуравонлик ва жиноятчиликка қарши курашда маънавий ва таълим хизматларини кўрсатиш, ҳуқуқни кафолатлаш, жамоатнинг ушбу масаладаги муамоларига ечим ва чора-тадбирларни ошириш керак. Жамоат томонидан мустақил ва қонуний мехнатларни қўлга олиш, жинсий буйруқларга бархам бериш ,зуравонликка карши кураш, аёлларни рухий, жисмонан согломлигини та'минлаш, бандлик масалаларини куриб чикиш керак. Менинг назаримда, ундай муаммолар устида ишлаш ва профилактика тадбирларини кучайтириш зарур. Келажакка соглом ва баркамол авлод етиштириш биз аёллар кулида!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. „Maternal and newborn health in Uzbekistan".Data.unicef.org. Qaraldi: 7-avgust 2022-
2. Yil.↑ „Proportion of seats held by women in national Parliaments (%) – Uzbekistan".Data.worldbank.org. Qaraldi: 7-avgust 2022-yil.↑ „Uzbekistan – Percentage of Female Students In Secondary Education Enrolled In
3. General Programmes, Female".Tradingeconomics.com. Qaraldi: 7-avgust 2022-yil.↑ „Uzbekistan – Labor Force,
4. Female".Tradingeconomics.com. Qaraldi:7-avgust 2022-yil.↑ „GENDER INEQUALITY INDEX (GII)". Hdr.undp.org. Qaraldi: 7-avgust 2022-yil